

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.

Энди мазза қилиб қорбўрон ўйнайман!

«Йил аёли — 2012»

МИЛЛИЙ ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Аёл... У нафақат оиланинг сариштали бекаси, меҳрибон она, балки фаол сиёсатчи, тиниб-тинчимас ишбилармон ва ҳоказо.. Пойтахтимиздаги "Уммон" тўйхонасида "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил аёли — 2012" танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига келган меҳмонлар бунга яна бир қарра амин бўлишди.

Таъкидлаш керакки, ушбу миллий танлов жорий йилнинг август ойида эълон қилиниб, 17 ноябрдан 30 ноябрга қадар республикамизнинг барча вилоятларида саралаш босқичлари ўтказилди. Дастлабки босқичда барча ҳудудлардан илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётган 30 минг 125 нафар аёл иштирок этди. Ҳал қилувчи босқичда эса ҳар бир вилоятдан 14 нафар аёл мутлақ ғолиблик учун ўзаро беллашишди. Ғолиб 30 ноябрдан 6 декабрга қадар SMS овоз бериш орқали аниқланди.

Тахлилларга кўра, лойиҳа муаллифи, "Меҳр нури" жамғармаси Жамоатчилик кенгаши раиси, профессор Гулнора Каримова олти фарзанднинг онаси, "Элдорбек Абдоржон Луқмонович" фермер хўжалиги раҳбари, қашқадарёлик Насиба Нуровани 2012 йилнинг "Йил аёли", деб тантанали равишда эълон қилди.

— Фермер хўжалигимиз асосан боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган, — дейди "Йил аёли — 2012" миллий танлови ғолибаси Насиба Нурова. — 30 нафар ишчи меҳнат қилади. Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида етиштирган маҳсулотларимизни қайта ишлайдиган махсус ускуналарни олиб келиб, қўшимча иш ўринларини яратишни режалаштирганмиз. Юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган бундай ҳурмат-эътибор ҳар бир аёлни руҳлантиришига ишонаман. Элимиз фаровонлиги йўлидаги камтарин меҳнатим эвазига "Матиз" автомашинаси билан тақдирландим. Танлов ташкилотчиларига минг раҳмат!

Кечада ишбилармонлик қобилиятларини намоён этиш истагида бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" ҳамда "Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар" дастурлари ғолибларини ҳам тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда йил давомида ўтказилган энг катта ва хайрли лойиҳалардан бири "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" лойиҳаси доирасида висол тўйлари бўлиб ўтган келин-куёвлар ҳам иштирок этишди. "Мустаҳкам оила йили"да ушбу лойиҳа доирасида 952 та ёш оила бунёд этилди. Шунингдек, 1207 нафар болакайнинг эса миллий урф-одатларимизга биноан суннат тўйлари ўтказиб берилди. Лойиҳа доирасида юртимиз бўйлаб жами 2159 та тантана ташкил этилди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

“ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.



ҲИКМАТ

Сукротнинг донолиги шунда эдики, у билмаганини билдим деб ўйламасди.

ЦИЦЕРОН

КОМИССИЯ ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА ИШЛАЙДИ

Оилани Ватан ичра муқаддас кўргонга қийс-лаймиз. Ана шу миттигина гўшанинг тинчлиги юрт осойишталигига бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда оилага давлат сиёсати даражасидаги долзарб масала сифатида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, яқунланаётган "Мустаҳкам оила йили"да вилоятимизда ҳам оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, арзимаган сабаблар туфайли юзага келаётган низоларни ижобий томонга ҳал этиш юзасидан эътироф этишга аризилишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштириш комиссиялари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган.

Яқинда Наманган шаҳридаги Рафиқ Мўмин номи МФЙда яраштириш комиссиялари фаолиятига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги мавжуд 82 та маҳалланинг маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, бандликка кўмаклашиш маркази ва диний идоралар вакиллари, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари дастлаб маъмур ҳақладаги ибратли ишлар билан яқиндан танишдилар. Шу маҳалла маслаҳатчиси Саодатхон Юсупованинг комиссиянинг 8 ойлик фаолияти ҳусусидаги ҳисоботида таъкидланганича, комиссия аъзолари оилавий можароларни муҳофизат қилибгина қолмай, балки ҳудуддаги барча оила

аъзоларининг саломатлигини муҳофизат қилиш, кўни-кўшнлар ўртасида аҳиллик ришталарини мустаҳкамлаш, болалар тарбияси, тўй-маросимларни тартибли ва камчилик ўтказиш, янги иш ўринларини яратиш каби вазифаларни ҳам амалга ошириб келмоқда.

Комиссия таркибида катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган обрўли нуронийлардан Абдуллажон Ортиқов, Ҳақимжон Ҳамидов, Маҳмудхон Жабборов, маҳалла хотин-қизлар бошланғич кўмитаси раиси Ҳафизахон Нуриддиновларнинг борлиги ҳам яхши самара бераётди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалла ҳудудидаги 978 та оиланинг аҳолини ўрганиб чиқдик, — дейди Саодатхон Юсупова. — Уларнинг 25 таси моддий ёрдамга, 78 таси тиббий ва 150 дан зиёда маънавий кўмакка муҳтожлиги аниқланди. Бу асосда чора-тадбирлар белгиланиб, 17 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 4 та оилага 380 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 20 дан зиёда оилалардаги нотинчликларнинг олди олинди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Шунингдек, комиссия ишга оид саҳна кўриниши ҳам намойиш этилди.

Дурдона ИСМОИЛОВА,
«Келажақ пресс» ёшлар матбуот
маркази аъзоси.
Наманган вилоти.

ЭКОЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимиз ОАВ ходимлари ўртасида ўтказилган 11-экожурналистика танлови яқунланди.


Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, экология ва тиббиёт йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Танловнинг бош мақсади, экология мавзусини ёритишда журналистларнинг профессионал салоҳиятини ошириш ва экология йўналишида қалам тебратётган журналистлар ижодини кўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Табиати муҳофизат қилиш давлат кўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда жами 23 нафар журналист голиб деб топилди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва сертификат, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маъмура ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.



ОТАЛАР ЙИҒИНИ

Ҳамза туманидаги 215-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси куни кеча 9-синф битирувчиларининг оталари иштирок этган учрашув ташаббускори бўлишди. Унда шаҳар ва туман халқ таълими бўлими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, "Қамолот" ЁИХ, маҳалла фаоллари ва ОАВ ходимлари қатнашди.

— Ушбу тадбирни уюштиришдан кўзлаган мақсадимиз, умид билан катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ўқувчиларимизнинг билим ва салоҳиятларини, шунингдек, келгусидаги орзу-умидларидан нафақат ўқитувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам яқиндан хабардор бўлиши, нур устига аъло нур эмасми, — дейди мактаб директори **Маъмура МУРОТОВА.**

Йиғилишда учрашувга тақлиф этилган оталар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг намунали хулқи ва аъло ўқиши билан бошқаларга ибрат бўлаётган ўқил-қизларнинг ота-оналарига миннатдорчилик билдирилиб, улар учун махсус таъсис этилган фахрий ёрликлар топширилди.

**Шоҳида
МАМАДАЛИЕВА**

Қишли-қировли кунлар бошланди дегунча айрим фуқаролар ҳар хил қўлбола ва носоз электр иситиш мосламаларидан ўзбошимчилик билан фойдаланишга уринади. Бу эса афсуски, турли фавқуллода ҳолатлар, жумладан, ёнғинлар содир бўлишига, инсонларнинг тан жароҳати олишлари ва ҳаттоки ҳалок бўлишларига ҳам олиб келади. Шу боис республика Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг режа жадвалига асосан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот, ўқув ва даволаш муассасалари, хуллас, бутун жамоатчилик орасида бу борада кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда табиий газсиз турмушимизни

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИНГ!

тасаввур қилолмаймиз. Лекин ундан нотўғри фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қила оламизми? Жорий йилда ҳам бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мунтазам равишда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамадан, газдан оқилона фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, табиий газни назоратсиз қолдириш, носоз усуналар ва резина шланг орқали улаб фойдаланиш билан боғлиқ нохуш воқеалар ҳамон содир бўлмоқда.

Масалан, Андижон вилоти, Избоскан туманидаги Дамбо-

чек маҳалласида яшовчи фуқаро Тўлағанов уйдаги иситиш печига ўрнатган қўлбола усунанан табиий газ сизиб чиқиб, хонага тўпланиб қолган. Шу пайтда электр лампочкаси ёқилганда хонадаги газ ва ҳаво аралашмасининг қочнаши рўй бериб, уйнинг томи кулаб, икки фуқаро тан жароҳати олган.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари ходимлари билан ҳамкорликда уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиб, фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан газ қувурига улаб олган резина шланг-

ларни ва тегишли қондаларга зид равишда ишлатилаётган мосламаларни бартараф этиш мақсадида маҳаллаларда режа асосида текширувлар ўтказиб, қонунбузарларга нисбатан маъмурий жазолар қўлланилмоқда.

Муҳтарам юртдошлар! Табиий газдан фойдаланишда қуйидаги қондаларга қатъий риоя этишингизни сўраймиз:

* газли иситиш печларидан фойдаланишда махсус тартибларга амал қилинг, тунда газ иситиш печларини ўчиришни унутманг;

* печларни ёқилган ҳолатда назоратсиз қолдирманг;

* газ ва электр иситиш печларини ўрнатиш ва таъмирлаш

ишларини фақатгина мутахассислар ёрдамида ўтказинг;
* носоз, қўлбола ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан умуман фойдаланманг;
* газ усуналарини резина шланг орқали улашишига йўл қўйманг;

* газ ҳидини сезсангиз чироқ ва ўчкун чикарувчи мосламалардан фойдаланманг, хонани шамоллатиш чорасини кўринг ва дарҳол бу ҳақда газ хизматига хабар беринг;

* иситиш печлари ва уларнинг мўриконлари созликка эътибор беринг.

Искандар МАҲМУДОВ,
Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси катта муҳандиси, катта лейтенант.

Солиқ фаолияти

ИНТЕРНЕТДАГИ БЕМИННАТ ХИЗМАТЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аниқса, солиқ тизимида интернет тармоғидан унумли фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтиш ишлари ташкил этилиб, бу жараённи янада жадаллаштириш мақсадида қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2012 йил 1 августдан бошлаб, ҳўжалик юритувчи субъектларга бериладиган электрон рақамли имзо учун тўлов миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг 20 фоиздан 10 фоизгача камайтирилганлиги интернет тармоғи орқали кўрсатилаётган хизматлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини бермоқда.

Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг www.soliq.uz сайтида жойлаштирилган интерактив хизмат турлари кун сайин ошиб бормоқда. Яъни электрон солиқ ҳисоботларини шакллантириш ва жўнатиш, исталган давр учун бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан автоматик равишда солиштирма далалатномаларни шакллантириш, солиқ ва тўловлар бўйича шахсий ҳисобварақ қарточкаларидан нусха кўринишида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотлар олиши мумкин.

Шу билан бирга электрон рақамли имзога эга солиқ тўловчилар учун тўлов топшириқномаларини шакллантириш ҳамда "Контрагент ҳақидаги маълумот" интерактив хизмати орқали ўзи ҳақидаги маълумотларни Давлат солиқ кўмитаси маълумотлар базасидан мустақил равишда танлаш ва уни бошқа юридик шахс (контрагент)га тақдим этиш ҳамда унга ушбу маълумотлардан фойдаланиш учун тақдим этиш хизмати амалиётга жорий этилди.

Ушбу хизматларнинг жорий этилиши солиқ тўловчиларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини шаффофлик ва очиклик асосида ташкил этилиши натижасида ишбилармонлик муҳитини яратиш ва бизнес субъектларини янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига 2964 та ҳўжалик субъектларига "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан электрон рақамли имзолар берилган ҳамда 2725 та корхона томонидан ДСИга электрон кўринишда ҳисоботлар тақдим этилиб, бу билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ДСИга келиб ҳисобот топшириш учун сарфланадиган харажати ва вақтлари тежалди.

Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризалар беришнинг электрон шакллари жорий этилиши белгиланган.

Икром БАҚОЕВ,
Ҳамза тумани ДСИ бўлими бошлиғи.

ОЙНАҚУЛ ОТАНИНГ ОЛТИН ДУОЛАРИ

Ойнакул отанинг фарзандлари ҳар кун эрталаб келиб, у кишидан олтин эмас, дуо олиб кетишни қанда қилишмайди. Албатта, ота уйдан қадами узилмаган болаларда бир-бирига бўлган меҳр-оқибат ҳам кучли бўлади.

— Фарзандлар оқил ва қобил бўлса, ота-она ҳеч қачон қаримайди, — дейди Бекобод туманидаги «Ёшлик» маҳалласида умргузaronлик қилаётган Ойнакул ота Усмонов биз билан суҳбатда. — Мана, Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, бу йил тўқсон ёшга кирдим. Минг шукр, замонамиз тинч, юртимиз обод. Ҳар куни бир яхшиликка кўзинг тушади. Қанийди, ёш бўлиб қолсам, ҳеч бўлмаса, қурилишда гишт теришга ёрдам берсам. Ишонасизми, ҳозир ҳам телевизор кўришни, газета ўқишни қанда қилмайман. Баъзан уйда зерикиб қолсам, ўғилларим мени ўз машиналарига ўтказиб, хоҳлаган жойимга олиб бориб келишади. Шундай дамларда машаққат билан ўтган болалик йилларим ёдимга тушиб кетади.

Ун бир ёшда эдим. Уч акамни бирин-кетин урушга олиб кетишди. Ўзим оилага бош бўлиб, онам ва уч опам билан қолдим. Ҳали ўсмир бўлсам-да, бир бурда нон топиш учун кун бўйи ишлардим. Икки йил деганда тракторчи қилиб ишга олишди. Уйда қора қозонда атала қайнаса, қозон таги меники эди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, опаларимни узатдим, Урушнинг оти ўчсин, болам. Яна денг, бир ёқда қаҳатчилик эзарди. Хуллас, болалигим, ўспиринлигим минг азоб-укубатда кечган. Урушдан кейин раҳматли Меҳринисо аянгишга уйландим. Исми-жисмига монанд рафиқам оиламга кут-барака, бахт олиб келди. Онам раҳматлининг бир гаплари ҳамон ёдимда: «Оиланинг устун эркак киши бўлади.

Фарзандим яхши тарбия олсин, қобил бўлсин десанг, жиловини маҳкам тут». Шу-шу болалик тарбиясида онамнинг ўғитларига амал қилдим. Кўз тегмасин, ўғилларим Ортиқбой, Эргашбой, Жўрабой, Фахриддин, Ҳасанжон, қизларим Ҳабиба, Саида, Умида меҳнаткаш, ҳалол, бир-бирига меҳр-оқибатли, қобил фарзандлар бўлиб етишди.

— Бу оилага келин бўлиб тушганимга 20 йил бўлди, — дея суҳбатимизга қўшилади Фароғат опа. — Қайнонам раҳматлик аёл, она сифатида барчамизга ибрат мактаби яратиб кетди. Келин бўлиб тушган пайтида ҳали институтнинг биринчи курсида ўқирдим. Қайнонам ёнимда мен билан баб-баравар фарзандларимни улгайттирдилар. Овсинларим Замирахон. Санобархон, Унузоиҳон, Раънохон опаларим билан ахил-иноқлигимизда ҳам у кишининг ҳиссалари катта бўлган.

— Бу дунёга келган инсон зоти борки, яхши ният билан яшайди, — дейди отахон. — Ўртимизда қолаётган зурриёдларимиз қачон бизга муносиб бўлади, қачонки, эл улусга нафи тегса, раҳмат эшитса, тўғрими? Шунинг учун энг аввало, ота-онанинг ўзи оқил, савобталаб бўлмоғи керак. Ҳозир қаранг, юртимизда тўқинчилик, фаровонлик. Лекин, бундай кунларнинг ҳам қадрига етиш керак, ортиқча дабдабага берилиш, манманлик, ёмонлик қилишнинг охири вой. Оддийгина мисол айтايлик, бизнинг оилада қиз узатсақ ҳам, ўғил уйлосақ ҳам барча расм-русумларни бир кунда қилмай. Ортиқча пулимиз бўлса, биринчи навбатда соғлиқка сарфлаймиз, дам оламиз, қолаверса, неварра-чевараларнинг билим олишига, хунарли бўлишига ишлатамиз.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.
Тошкент вилояти.



улусга нафи тегса, раҳмат эшитса, тўғрими? Шунинг учун энг аввало, ота-онанинг ўзи оқил, савобталаб бўлмоғи керак. Ҳозир қаранг, юртимизда тўқинчилик, фаровонлик. Лекин, бундай кунларнинг ҳам қадрига етиш керак, ортиқча дабдабага берилиш, манманлик, ёмонлик қилишнинг охири вой. Оддийгина мисол айтايлик, бизнинг оилада қиз узатсақ ҳам, ўғил уйлосақ ҳам барча расм-русумларни бир кунда қилмай. Ортиқча пулимиз бўлса, биринчи навбатда соғлиқка сарфлаймиз, дам оламиз, қолаверса, неварра-чевараларнинг билим олишига, хунарли бўлишига ишлатамиз.

Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Гавҳар Қаюмова ўзи яшаётган ҳудудда оналар, аёллар ва болалар саломатлигини химоя қилишдек масъулиятли вазифани баҳоли қудрат бажариб келаётган фидойи аёллардан бири.

— Шифокорлиқни танлашимга аслида онамнинг илтижо билан айтган нолалари туртки бўлган, — дейди Гавҳар опа биз билан суҳбатда. — Ушанда ёлғиз укаси 35 ёшида ошқозон яраси хасталигидан вафот этганида «Аттанг, агар менинг ҳам бирор жигарим дўхтир бўлганида тоғанинг ўлмасмиди? Қанийди, сен ҳам шифокор бўлиб, менга ўхшаб, жигари хаста аёлларни даволасанг» дея армон билан йиллаган эди. Тақдирни қарангки, мен Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқиш бахтига муяссар бўлдим.

Олий даргоҳни битиргач, Гавҳар дастлаб иш фаолиятини қишлоқ врачлик пунктидан бошлади. Ҳар бир бемор ўзи учун бебаҳо неъмат — саломатлиги ҳақида шифокорнинг бир оғиз далдасига илҳақ бўлиб туриши аниқ. Шундай пайтларда у «Сиз кучлисиз, бу дардди энгиб, соғ-саломат бўлиб кетасиз, умрингизнинг узок бўлиши шундоқ кўриниб турибди», деб ишонч билан айтганида, қанча беморларнинг кўзларига қувонч, юзларига қон юрганига гувоҳ бўлган. Шунинг учун

ҳам у ёшу қари, онахону-оталар дуосини олиб обрў-этибор топди, малакали шифокор бўлиб етишди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қиз

лик чораларини кўриш керак. Шунингдек, ижтимоий касалликларнинг ҳам олдини олиш зарур. Никохланувчиларда у ёки бу касаллик аниқланса, оила қургунга қадар улар со-


НАВОЙИЛИК НАМУНАЛИ ШИФОКОР

лар саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши Гавҳар Қаюмова сингари тиббиётчилар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. У ўз фаолияти давомида оналик ва болаликни химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ҳомиладор аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш каби долзарб ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз вақтида ўтказилаётган ана шундай хайрли тадбирлар натижаси бўлса керакки, кейинги пайтларда Навоий шаҳрида оналар ўлимнинг қайд этилиши сезиларли даражада камайди.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда энг аввало оила кураётган ёшларнинг соғломлигига жиддий эътибор бериш керак, — дейди Гавҳар опа қунончаклик билан. — Айниқса, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларга умуман йўл қўйма-

гломлаштирилсагина, муштасҳам оилалар барпо бўлади.

Яна бир қувончли жиҳат гахўда ҳам тўхталмоқ жоиз. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан барча ҳудудларда спорт иншоотлари қурилган. Орамизда боғча ёшидаги фарзандларини ҳам спорт тўғрақларига етказиб бораётган ота-оналар кўп. Спорт билан мунтазам шуғулланиб борган бола эртага жисмонан соғлом бўлиши бор гап. Фарзандларига ёшлигидан бошлаб эътибор қаратаётган инсонларни кўпроқ тарғиб қилиш керак. Бундай оилада ўсаётган болаларнинг ўқиши, ўзлаштириши ҳам яхши бўлади. Аммо орамизда яратиб берилган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланмаётганлар ҳам йўқ эмас. Менимча, бундай кишилар на-



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маълумки, аёл зотини қадрлаш, эъзозлашдек азалий ҳақиқат муболағасиз айтиш мумкинки, бевосита мустақиллик йилларига келибгина Юртбошимиз раҳнамолиги остида бутунлай янги, юксалиш босқичига кўтарилди. Бунинг исботини Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган ушбу жумлаларда ҳам англаш мумкин: «...2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорда микрокредитлар ажратилди...»

Маърузада таъкидланишича, аёлларимиз, опа-сингилларимиз меҳнатини энгиллаштириш, уларнинг соҳахотидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада қабул қилинган «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарорига мувофиқ, хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзгор юмушларини энгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Шунингдек, Юртбошимиз янги — 2013 йилни мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилишни тақлиф этар экан, келаётган йил учун қабул қилинадиган Давлат дастурида белгиланадиган устувор йўналишлар қаторида яна бир бор аёллар манфаатларига эътибор қаратиб, «... Ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиш опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим» деганлари барча жабҳаларда хизмат қилаётган, фарзанд тарбиялаётган, фаол аёллардан тортиб, чекка қишлоқларда яшаётган энг оддий аёлларни ҳам қувонтириб юборди.

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан

фақат ўзларини, балки келажақ наслларини тақдирга ҳам соя ташлаётганини билиб қўйишлари керак, деб ўйлайман.

педиатри сифатида ҳудуддаги мактаб ҳамда коллежларга бориб, мураббий ва ўқувчилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни кучайтириш зарур деб билган опа, айниқса, ўқувчи қизларнинг саломатлигини қатъий назорат қилиб боради. Жумладан, ҳар йили режим асосида мактаб, коллеж ҳамда лицейларнинг ўқувчи қизлари мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилади. Хусусан, жорий йилда махсус ихтисослашган кўрикдан ўтказилган қизлар орасида камқонлик, бўқоқ ва тиш қариеси касалликлари кўпчилиги аниқланган, диспансер назоратига олинб, соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, яқиндагина Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг республика босқичида Гавҳар Қаюмова «Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинацияси бўйича фахрли биринчи-ўринга сазовор бўлди. Ўйлаймизки, тиниб-тинчимас бу жонқур шифокорнинг ушбу нуфузли танлов голибалигига муносиб топилиши бошқа ҳамкасбларини ҳам руҳлантиради.

Гавҳар опа Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасининг бош

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.



— Сайёра опа, қиз бола учун санъат соҳасини танлаш, актриса деган шарафли, аммо мушкул вазифани ўз зиммасига олиш осон кечмайди, албатта. Унинг бундай орзу-ниятини қўлаб-қувватловчи яқинлари, ҳамфирлари бўлиши керак. Шахсан сизда бу жараён қандай кечган?

— Биласизми, мен бу касбга қизиқиб, мактаб тадбирларида роллар ижро этиб юрмаганман. Ёки айнан бирор актрисага ҳавас қилганман, ўшага ўхшагим келган, деб ҳам айта олмаيمان. Ўқувчилик пайтларимда спектакль ё кино томоша қилсам, ундаги роль ижро этаётган одамлар менинг назаримда бир илоҳий кучга эга бўлган сеҳрлардек туоларди. Ҳатто актёр ё актриса деган касбнинг борлигини ҳам билмасдим. Санъат дунёси мен учун шу даражада сирли, мўъжизавий туюлардики, аслида актёрлар ҳам биздек одаммикан, деб ўйлардим. Улар каби театр саҳнасида роль ўйнаш эса мен учун қўл етмас орзу бўлиб туолган. Еттинчи синфда ўқиб юрганымда ўзимча кўнглимга тугиб қўйдим: “Мен актриса бўламан!” Буни эшитган холаларим “Артист бўласанми?” деб устимдан кулишган. Табиийки, бу менинг нафсониятимга теккан ва ҳали кўрасиз, мен албатта санъаткор бўламан, дея ўз олдимга мақсад қўйганман. Мактабни битиргач, уйимдагилар қайси ўқишга ҳужжат топширишини сўраганида “актрисаликка” деб жавоб берганман. Ота-онам зиёли одамлар эди. Лекин ойим “Вой дод, агар артист бўлсанг, чидолмайман, ўзимни анҳорга ташлайман, одамлар гапирди”, деган. Онамда табиий артистизм бор эди. Ёшлигида санъаткор бўламан деганларида уйидагилари руҳсат беришмаганини кўп эслади. Дадам бўлсалар босқалик билан: “Қизим, сен ҳеч қандай тўғаракка қатнашмаган бўлсанг, у ерга фақат санъаткорларнинг болалари киришади, ахир қийналиб қоласан-ку”, деганлар, ҳолос. Ота-онам бошқа шаҳарга дам олишгани кетишганида, газетда берилган эълонни ўқиб, Санъат институтига ҳужжатларимни топшириб, танловдан ўтганман. Дадам мени тўғри тушуниб, “Майли, ўз кучи билан кирибди, ўқийверсин-чи, кейин бир гап бўлар”, деганлар. Ойим эса ҳамма таниш-билишларга “Сайёра тарбиячиликка ўқияпти”, деб юрганларим эсимда. Институтни тугатиб, роллар ижро этиа бошлаганимдан сўнг таниш-билишлар “Вой, Азизахон бизни алдаган экан, қизи артистликка ўқибди-я”, дейишган. Онам ҳам Зебунисо ролин ийюнагимча мени тан олмасдилар. Нукул “Ишингдан ўргулдим, қизим, нукул эрта кетиб, кеч келасан” дердилар. “Зебунисо” спектаклининг премьерасидан кейин ҳамма “Вой, бу сизнинг қизингизми, жуда зўр ўйнади-я”, дея ҳавас қилган, ҳа, деб кўнгиллари бироз хотиржам тортган, шундан ўзимга билдирмаганлар. Мен эса ўқини тугатиб, ўзим орзу қилган даргоҳ — театрга жуда катта ҳаяжон билан ишга келганман. Кейин қарасам, бу ердаги актёрлар ҳам ўзимга ўхшаган оддий одамлар экан.

— Сизни билган, кўрган мухлислар “Зебунисо”даги Зебунисо, “Олтин девор”да-

“Зебунисо”, “Тақдир синовлари”, “Дарахтлар тик туриб жон беради”, “Олтин девор”, “Гамлет”, “Омон бўлган, азизим” каби ўнлаб спектакллар, қатор бадий ва видеофильмлар, телесериаллардаги бетакор роллари орқали халқимиз кўнглидан жой олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусовани истеъдодли актриса сифатида яхши биламиз. Аммо унинг болаларниқидек бегубор, романтикага мойил кўнгили оламимга сайр қиларканмиз, актриса — аёллик, оналик бахтини ер юзидаги ҳеч қандай шон-шухрату, олтин-зарларга алмашмаслигига амин бўлдик.

Сайёра ЮНУСОВА:

ОСМОНДА ЭМАС, ЕРДА ЯШАШНИ ЯХШИ КЎРАМАН!



ги Зуҳра ва ўша даврда ижро этган бошқа кўпгина ролларингиздаги мағрур, ўзига ишонган, шижоатли аёлларни эслашади. Йиллар ўтган сайин эса мунис, мушфик, юмшоқкўнгили аёл тимсолидаги образларингизни кўпроқ кўраемиз. Бу нима, йилларнинг таъсирими, табиатингиздаги шиддат ўрни сокинлик, оғир-босиқлик эгаллади? Ёки режисёрларнинг ўзлари сизга шунақа ролларни беришяптими? Кўзларида ўт қақнаб турган Сайёра Юнусова қани?

— Бу саволни менга кўпчилик беришади. Аслида юмор ҳисси, шижоат, мағрурлик мени ҳали ҳам тарк этгани йўқ. Билмасам, бу саволни балки режисёрларга берсангиз ўринли бўлармиди? Айниқса, кинода бир хил, бир-бирига ўхшаган ролларим кўп. Мураккаб, характерли роллар беришса, жон деб ўйнардим. Ўзим ҳам соғинганман. Аммо бу соҳада одамнинг ёши ҳам кўп нарсани белгилайди. Ёшингиз ўтганидан сўнг, хоҳлайсизми-йўқми, она, хота, амма образларини талқин этасиз-да.

— Сиз ҳақингизда ёш актрисалардан бири “Сайёра опа ҳаммамиз учун ибрат намунаси. У киши театримиздаги энг камтар, камсуқум актриса. Ишга жамоат транспортида келиб кетади. Бойлик, ҳашамат у кишини кўпам қизиқтирмайди”, деган эди. Чиндан ҳам ташкиятли-юлтирлар, қимматбахо безаклар истеъдод мезони бўла олмайдими-да, тўғрими?

— Айримлар жуда оддий,

хокирсорсиз-а, ундай қилмасизми, бундай қилмасизми, дейишади. Билмадим, менга ўз яшаш тарзим маъқул. Умирим мобайнида қимматбахо тақинчоқлару, кийим-кечакларга қизиқмадим. Илоҳи бўлса, оддий чит қўйлагу, энгилгина оёқ кийимда юрардим. Ҳамманинг эътиборини тортишни жудаям ёмон кўраман. Театрга мен шон-шухрат, бойлик орттириш учун эмас, шу соҳани севганим, не-не санъат даргаларининг муборак излари, овозлари қолган муқаддас саҳнада маза қилиб роль ўйнаш учун келганман. Бу ерда одамларнинг икки соат жимгина сизни тинглаётганини, ҳар бир ҳаракатингизни кийиши назарда тутишадими ё, рости билмайман. Мен болаларимнинг қувончи, муваффақиятларини кўриб дам оламан. Оилам учун гаҳмўрлик қилиш, ширин овқатлар пишириш, ишдан сўнг уйга югуриш — мана шулар ҳаётимнинг мазмунини. Меҳмондорчилик, хотинлар билан ҳар хил гап-гаштакларда юришини менга умуман қизиги йўқ. Мен ундай даврларда ўзимни унўнғай ҳис қиламан, юрагим сиқилади.

— Нима деб ўйлайсиз, бир оилада икки истеъдод, икки ижодкорнинг бўлиши бахти ё...?

— Айтиш томони ҳам, қийин томонлари ҳам бор. Қулай томони — турмуш ўртоғимнинг ўзлари ҳам кино соҳасида бўлганлари учун репетициялардан кеч қайтишимни, қутилган-қутилмаганда гастролларга кетишимни, баъзи юмушларга улгуроқмаслигимни тўғри тушунади. Қийин жиҳати — иккалаим ҳам кўп вақт уйда

— Сайёра опа, мана, сиз театрда ёш истеъдодлар билан ҳам елкама-елка ижод қилиб келаяпсиз. Сиз тенги авлод билан ҳозирги ёшлар ўртасида қандай фарқларни кўрасиз?

— Биласизми, ҳозирги актрисалар шон-шухрат чўққисига тез эришишни хоҳлайди. Илоҳи бўлса, институтни битирган кунидек бош қаҳрамонни ўйнаб машҳур бўлиб кетса-да. Ваҳоланки, санъатнинг ўзига яраша қийинчиликлари, заҳматлари бор. Бунинг барчасига йиллар мобайнида қилинган меҳнат, ўз устида ишлаш билан эришилади. Ёки бирор нимани нотўғри қилиб қўйишса, ўргатсангиз, ё камчилигини айтсангиз, сизни ёмон кўриб қолишади, бирдан кўнглига олади. Биз эса устозларимиз танбех беришса, йиғлаб, хижолат бўлиб, хатоимизни тўғрилашга ҳаракат қилардик.

— Сайёра опа, сиз учун аёллик бахти нимада?

— Оила қуриш, фарзандли бўлиш, уларнинг камолини кўриш — аёл учун энг улуғ бахт бўлса керак, деб ўйлайман. Ўйлаб қаранг-а, она деган нома муносиб топилиш, Оллоҳнинг бебаҳо неъматини бўлган фарзандингизни кўлингизга олиб эркалаганингиздаги қувонччи ҳеч нарсага алмашиб бўлмайди. Баъзилар менга “Сиз ўзингиз учун яшамайсиз, ўзингизни яхши қўришингиз керак”, дейишади. Ресторану тўй-томошаларга бориш, косметолог, сартарош қабулида тез-тез бўлиш, яسانيш, қимматбахо тақинчоғу кийимларни кийишни назарда тутишадими ё, рости билмайман. Мен болаларимнинг қувончи, муваффақиятларини кўриб дам оламан. Оилам учун гаҳмўрлик қилиш, ширин овқатлар пишириш, ишдан сўнг уйга югуриш — мана шулар ҳаётимнинг мазмунини. Меҳмондорчилик, хотинлар билан ҳар хил гап-гаштакларда юришини менга умуман қизиги йўқ. Мен ундай даврларда ўзимни унўнғай ҳис қиламан, юрагим сиқилади.

— Нима деб ўйлайсиз, бир оилада икки истеъдод, икки ижодкорнинг бўлиши бахти ё...?

— Айтиш томони ҳам, қийин томонлари ҳам бор. Қулай томони — турмуш ўртоғимнинг ўзлари ҳам кино соҳасида бўлганлари учун репетициялардан кеч қайтишимни, қутилган-қутилмаганда гастролларга кетишимни, баъзи юмушларга улгуроқмаслигимни тўғри тушунади. Қийин жиҳати — иккалаим ҳам кўп вақт уйда

бўлмаймиз. Мен у кишига етарлича эътибор беролмаган вақтларим ҳам бўлган. Иккалаимиз ҳам ўз ижодимиз билан бандимиз. (Изоҳ: таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов назарда тугиляпти — муал.) Уйда ўтирадиган оддий аёл бўлсам, турмуш ўртоғимга кўпроқ гаҳмўрлик кўрсатишим мумкин эди. Аммо, шукрки, бир-биримизни яхши тушунаимиз, гаплашадиган умумий мавзуларимиз бор, дунёқарашларимиз мос тушади. Ўйлаб қарасам, кўп нарса йўқотганим йўқ. Ўз севган касбимда ишляпман. Менга кинода кўп нарсани ўргатган турмуш ўртоғим. Чунки театр билан кинонинг ўзига хос фарқли мезонлари бор. Театрда бутун вужудингни бериб, берилиб ўйнайсан. Йиғлаш керакми, ростакамига йиғлайсан, кулиш лозимми қаҳ-қаҳ отиб куласан... Кинода эса бошқача. Кинога мени биринчи бўлиб Жаҳонгир ака олиб чиққан. Илк марта “Чангак”да суратга тушганман. Сўнг “Шайтанат”да она образини ўйнадим. Боласи ўладиган саҳнасида “Болам!” деб, ростакамига кўз ёши тўкиб, берилиб йиғлаётганимда: “Бу сenga театр эмас, ўзингни бос, камерага қараб, оддийгина, аммо фожеавий тусда сукут сақла”, деганлар. Ролимдан ўзимнинг кўнглим тўлмаган. Кино тайёр бўлгандан сўнг, қарасам, билинмаган. Кейин ҳам кўп кинофильмларда ҳамкорликда ишлаганмиз. Улар таклиф қилса, мен бошида рози бўлмайроқ туриб, кейин бораман. Чунки, уйдаги хўжайинликларини сьёмка майдонида ҳам қиладилар-да. Анавини олиб бер, уни қил-буни қил, дегандек. Бу — табиий, режиссёр бўлгандан кейин асабийлашади. Бу эса, кўпчиликнинг олдида менга ёмон тегади-да (кулади)

— Менимча фарзандларингиз ҳам кўпчилик санъаткорларники каби театр, кино мухитига ўсган бўлса керак?

— Тўппа-тўғри, учаласи ҳам шу театрда ўсишган. Мактаб, боғчадан тўғри шу ерга олиб келардим. Қизим Ирода бир кун спектакль томоша қилаётиб йиғлаб қолди, денг. Ўшанда чамаси 3-4 ёшларда эди. Спектакль тугагач, “Нима бўлди, биров хафа қилдимми?” десам, “Йўқ, жудаям зўр ўйнадингиз, мен ҳам сиздек актриса бўламан”, деган. Менга қўшилиб барча шеърларимни, сўзларимни ёд оларди. Тўнғичимиз Жаҳоир санъат институтини тугатган. “Сув ёқалаб”, “18 квадрат” фильмларида суратга тушди. Иккинчи ўғлимиз Баҳоиди кино ва видеокилларида монтаж қиладди. Қизим Ирода хорижий тилларга ихтисослашган лицейда ўқийди. Аммо кўнгли актрисаниқидек. Театрда ишлашни орзу қиладди. Лекин мен буни хоҳламайман. Насиб этса ҳаммасини вақт кўрсатади. Икки келиним билан қайнона-келин эмас, дўст-дўгоналардекмиз. Иккаласи ҳам санъатни яхши тушунади. Икки ёшли наирам Шаҳризода ҳам тугма артист. Телеэкрон орқали менинг иштирокимдаги киноми, сериалними кўриб қолса, “Бувижон, сизни хафа қилишяпти”, дея йиғлайди. Унда ҳам ишонувчанлик ва ишонтириш қобилияти бор-да...

“Оила ва жамият” мухбири
Шаҳноза РОФИЕВА
сўхбатлашди.

Оила қонунчилигидаги оталикни белгилаш институти ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлашга қаратилган. Оила кодексининг 4-моддасида таъкидланганидек, мамлакатимизда оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидир. Шунингдек, Конститу-

нинг даъво ҳамда алоҳида иш юритиш тартибида қўриб ҳал қилиниши белгиланган. Бу талаб қайси идорага тааллуқли бўлишидан қатъи назар, оталикни белгилаш тўғрисида иш қўзғатиш учун ягона асос — бу боланинг онаси билан фараз қилинган отаси ўртасида расмийлаштирилган никоҳнинг бўлмаганлигидир.

Оталикни белгилаш тўғри-



ҲУҚУҚ

ган боланинг ота-онаси она ҳомиладорлик пайтида болага оталик белгилаш тўғрисидаги ариза ёзиб, бола туғилган вақтда ота ҳозир бўла олмаслигини кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолда ФХДЭ органи аризани рад қилишга ҳақли эмас. Бунда фақат боланинг исми ва туғилган саноиси ва жинси ҳақидаги маълумотлар устуни очик қолдирилади.

Боланинг туғилганлиги

қайд этилгандан кейин оталикни белгилаш ҳолларидан оталиги белгиланаётган боланинг ва отанинг ёши чегараланмайди. 16 ёшга тўлган болага оталик белгилаш учун унинг ёзма розилиги бўлиши шарт.

Тўрт ҳолатда фақат ота ФХДЭ органига оталикни белгилаш тўғрисида васийлик ва ҳомилик органининг розилиги билан ариза бериши мумкин, булар: онанинг ўлими, онанинг муомаласиз деб топиллиши, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти йўқлиги, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишидан иборат.

Қонунда оталикни белгилаш тўғрисида эр-хотиннинг биргаликда ариза беришини қийинлаштирувчи ёки умуман, бунга имкон бермаслиги мумкин бўлган ҳолатлар йўқ. Бундай ҳолатларнинг бўлиши ҳам шарт эмас. Муҳим, ФХДЭ бўлими ходимлари бу ҳолатларни асосли деб топишлари ва бўлажак ота-онадан оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилишлари керак.

Ушбу мулоҳазаларни келтиришдан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса ҳар бир инсоннинг оила олдидидаги масъулиятини ошириш, уларга инсон ҳуқуқи — бола ҳуқуқидан бошланади, деб яна бир бор эслатишдан иборат.

Нодира МИРМУҲАМЕДОВА,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси нотариал, адвокатура ва ФХДЭ органлари бўлимининг бош маслаҳатчиси.



Биласизми?

ЭРКАК ЗҲРМИ ЁКИ АЁЛ?

Йигит омон бўлса...

Жисмоний жиҳатдан аслида эркеклар аёлларга қараганда бақувват ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, аксар ҳолларда оғир ишлар кўп ҳолларда эркеклар зиммасига тушади. Келинг, яхшиси, немис тиббиёт олимлари фикрига қулоқ солиб кўрайлик. Уларнинг фикрича, биз шу пайтгача кучли деб ўйлайдиган эркекларнинг ожиз томонлари ҳам кўп экан. Мутахассис олимлар ҳар иккала жинс вакиллари аъзоларини қийсан ўрганиб чиқишиб, шундай хулосага келишган. Хўш, мазкур хулосаларга назар ташлайлик-чи:

Соч. Аёлларга қараганда сочдан зорланиш эркекларда кўпроқ кузатилади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, 80 фоиз эркекларни соч тўкилиши эҳтимоли қайғуга солади. Табиийки, бу ташвиш аёлларни ҳам четлаб ўтмайди, аммо эркеклардагидек, бошнинг "ялтираб қолиш касаллиги" ҳали уларда кам кузатилади. Ваҳоланки, ушбу хасталикни 50 ёшдан ошган ҳар икки эркекдан бирида кузатиш мумкин.

Кўзлар ва қулоқлар. Эркекларнинг 8 фоизи рангларни яхши ажрата олмаслик даражаси йўлиқса, бу кўрсаткич аёлларда атиги 0,05 фоизни ташкил этаркан. Қулоқнинг оғирлашиб қолиши ҳам кучли жинс вакилларида кўпроқ кузатилади.

Рухий ҳолат. Бу борада профессор Зигфрид Каспер: "Оғир рухий ҳолатларда эркеклар аёлларчалик сиқилмайди, десак янглишамиз. Улар ҳам руҳан сиқиллашади, аммо аламини аёллар каби юзада намоён этмай, ичига ютишади" деб ёзади.

Қалтис вазиятлар эркекларда аёлларга қараганда кўпроқ рўй беради. Шу боис бўлса керак, фавқуллода ҳолатларга ҳам асосан эркеклар сабабчи бўлиб қолишади. Айниқса, спиртли ичимликларга мойилликлари сабабли эркекларда бу кўрсаткич аёллардагига қараганда ўн баробар кўпроқдир.

Қаттиқ ҳаяжон (стресс) ҳолатига тушишганда эркеклар "тинчлантирувчи воситалар"ни излаб қолишади. Гўёки улар ушбу воситаларни қабул қилишлари билан озгина тин олиб, хордиқ чиқаришар экан. Ҳолбуки, бу "доривор" воситалар тамаки ва спиртли ичимликлардир.

Юрак қон айланиш тизими. Эркекларнинг 50 фоизидан ортиги юрак-қон айланиш тизими касалликларидан вафот этишар экан. Хусусан, 30-65 ёш оралиғидаги эркекларда юрак хуржидан вафот этиш аёлларга қараганда 6 маротаба кўп учрайди. Бунинг сабаби, эркекларнинг оила тебратиш учун ўзларини ҳар томонга уришларида.

Қон босими. Бу борада эркекларга ҳайрон қолса бўлади. Чунки уларнинг на қон босимини ўлчатишга ва на қайси пайтда нималардан қанча миқдорда истеъмол қилишга вақтлари бор. Демак, кўрсаткич ҳам шунга яраша...

Саратон (рак) касаллиги. Буни қарангки, кўпинча эркеклар саратон касаллигининг қурбони бўлишар экан. Бу кўрсаткичнинг катта қисми ўпка саратони билан боғлиқ. 90 фоиз хаста эркекларда ўпка саратонини келтириб чиқарувчи омил сигарета саналади.

Жигар. Сир эмаски, спиртли ичимликларга муккасида кетиш ҳолати ҳам кўпроқ эркекларда кузатилади. Шу сабабдан ҳам жигар циррози касаллигидан жабр чекувчиларнинг асосий қисми эркеклар ҳисобланар экан.

Суюқлар. Олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда эркекларнинг 13 фоизи остеопорозга йўлиқишар экан.

Тўғриси, оқоридидаги хулосалардан сўнг эркеклар ҳақида нима дейишни ҳам билмай қоласан киши. Балки машҳур нақлни қайтариш жоиздир: "Эркекларни асранг аёллар..."

"SPIEGEL" газетасидан
Маъмур ПАРМОНОВ таржимаси.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ МУАММО ЭМАС

циямизнинг 65-моддасида ҳам оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилинишига оид ҳуқуқий кафолатлар белгиланган.

Оила кодекси меъёрларида ота-оналар ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатдан тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса бевосита оиланинг қонуний тарзда ташкил топиши, эр-хотин ва болалар ўртасида

оилавий муносабатларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур муносабатларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлувчи ёки бундай муносабатларни асословчи далил — бу **НИКОҲ ТУВОҲНО-МАСИ** ҳисобланади. Ҳуқуқий аҳамиятга молик ушбу ҳужжатнинг бўлмаслиги Оила кодекси билан тартибга солинадиган бир қатор меъёрларнинг бузилишига, жумладан, оталикни белгилаш, оталикка эътироз билдириш, шунингдек, оила ҳуқуқига оид яна бошқа қатор низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Оила кодексининг 13-моддасидан келиб чиқиб, фақат ФХДЭ идораларида тузилган никоҳга қонуний ҳисобланади. Демак, ана шундагина оила вужудга келишига асос бўлади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги судга тааллуқли ишларни қўриб ҳал қилишнинг Оила кодексига икки тоифаси, яъни оталикни белгилаш-

сидаги талабнинг ФХДЭ идорасига тааллуқли бўлиши учун қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши керак: боланинг онаси билан ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ўртасида расмийлаштирилган никоҳнинг йўқлиги, боланинг онаси билан ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг биргаликдаги аризаси, отанинг васийлик ва ҳомилик идораси билан келишилган ҳақда воёга етмаган ота-оналарнинг қонуний шартномавий вакиллари ёзган аризаларнинг бўлиши шарт.

Кўпчилик ҳолларда бола қонуний никоҳда турмаган ота-онадан туғилганида, унинг туғилганлигини қайд эттириш вақтида никоҳда турмаган ота ўзининг боланинг отаси эканлигини ихтиёр равишда тан олиб, оталикни белгилаш тўғрисида боланинг онаси билан биргаликда тўлдирилган аризани тақдим қилади.

Амалиётда ҳали туғилма-



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- | | |
|---|---|
| Тикувчилик — 3 ой, Бошловчилар — 6 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Гўзаллик салоҳига тайёрлаш — 1 ой. |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). |
| Хамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт. | Тўқувчилик — 2-3 ой. |
| Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан). | Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой. |
| Торт олий курси — 1 ой. | Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой. |
| Йўгур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. | Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой. |
| Аёллар сартарошлиги — 3 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой. | |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. | |

Барчаси амалиёт билан
Етоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона.
МУЎЖАЛ: Юнусобод дехон бозори бош таррафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ:
Қуйлик киний бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Раҳимжон АКРАМОВ!



Сизни қутлуг 60 ёшингиз билан чин дилдан табриклаш баробарида энг аввало, ибратли оиланинг устуни, қолаверса, халқ таълими соҳаси фидойиларидан бири сифатида қадрлаймиз. Яратгандан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва омадлар тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан
дўстларингиз ва қадрдонларингиз
номидан
Муртазо СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳри.

Газетхон илҳами

Неъмат ҲАСАН

ШУКРОНАЛАР

Навоийдан шеър олиб ёд,
Эдим шоғирд, бўлдим устод,
Элим овоз, Ватан обод,
Шукроналар, шукроналар!

Ал-Бухорий фахри башар,
Темурий юрт сулаб-яшар,
Истиқлолдан қучдик зафар,
Шукроналар, шукроналар!

Ўзбекистон қутлуг Ватан,
Ҳумодан тутган туг Ватан,
Келажаси улуг Ватан!
Шукроналар, шукроналар!

ТҲРТЛИКЛАР

Шодликдан сўнг келар қайғу ғам,
Бу дунёнинг доим бири кам,
Шукрона айт, сабру салом қил,
Охират бор олдинда одам.

Афсуслар чек, ўтган умрга,
Айланмаса ҳар он нурга,
Бўлалмассан гарчи жаҳонгир,
Лек тақлидан яша Темуриа.
Тошкент шаҳри.

ПАЛАГИ
ТОЗА КИЗ

Халқимиз қадимдан келинликка киз танлашда ўзига хос одатларга амал қилиб келган. Чунки умид билан ўзга хонадон остонасини ҳатлаётган киз бир кун келиб, оила авлодларига она бўлади.

Болалар соғлом ва бақувват бўлиб туғилишида келиннинг саломатлиги катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз нафақат келинликка танланган қизнинг ўзини, балки етти пуштини ҳам обдон суриштирилган.

Қариндош-уруғ, таниш-билишлар томонидан бирорта киз тавсия этилса, "Палаги тоза эканми?" дея сўралган.

Шу ўринда савол туғилади: палаги тоза киз қандай бўлиши керак?

Бундай номзодларни бошқалардан ажратишда, биринчи навбатда, унинг онаси ва бувиларининг гап-сўзлари, юриштиришига қараб баҳо берилган. Агар улар келин танловчиларнинг дидига маъқул келса, қизнинг она тарафдан ва ота тарафдан етти авлоди қуйидаги талаблар асосида суриштирилган:

* Ота-боболарининг маҳалла-кўй, эл-юрт орасидаги мавқеи, обрў-эътибори қандай?

* Аёллари эркакларни қай даражада қадрлай олади?

* Эркаклари-чи, аёлларини эъзозлайдими?

* Улар орасида эл корига ярайдиган оқсоқоллар, кайвонилар бўлганми?

* Авлоднинг ўғлонлари бақувват, мард ва бир сўзлимми?

* Киз-жувонлари рўзгор ишига саришта-саранжомми?

* Улар хушфелъ бўлганми?

* Бу авлоддаги инсонлар қандай хасталикларга чалинган, яъни улар орасида суяк сурадиган касалликлар йўқми?

Шунингдек, қизнинг авлодаждо суриштирилаётганда, ота-боболари орасида зинокорлар, каззоблар (ёлгончилар), фирибгарлар, ўғрилар, гийбатчилар, баднафсалар, фитначилар, яъни одамларни бир-бирига қайраб уриштириб қўювчилар бўлганми, йўқми, деган саволлар ҳам, албатта, ўртага ташланган ва бундай иллатлардан холи ҳамда юқоридаги талабларга жавоб берадиган авлоднинг қизи келинликка энг маъқул номзод деб топилган.

Шу ўринда яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш лозимки, киз уза-таётган ота-оналар ҳам худди ана шундай талаблар билан куёв бўлиши йигитнинг етти пуштини сўраб-суриштирилган.

Бу ишни эл-юртнинг оқсоқоллари, кўпни кўрган отахон ва онахонлар бажаришган ва йигитнинг хонадонини яқини билган одамлардан секингина сўраб чиқилган.

ОНАСИНИ
КЎРИБ...

Келин қилмоқчи бўлганларга, биринчи навбатда, "Онаси-

ни кўриб қизини, арқоғини кўриб бўзини ол", дея маслаҳат берилади. Неганди кизнинг ўзига эмас, онасига кўпроқ баҳо берилади? Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Сир эмаски, қизларнинг энг кўп вақти онасининг ёнида ўтади. Она кўни-қўшнилари билан гаплашаётганда ҳам, ошхонада таом тайёрлаётганда ҳам, киз бола уни зимдан кузатади.

У ёшлигидан волидасининг ҳар бир гапига, ҳар бир ишига, ҳатто кийиниши ва юриш-туришига ҳам тақдир қилади.

Оддийгина ҳаётий мисол: она икки яшарлик қизалоғи ёнида кимнидир гийбат қилиб, қарғана бошласа, қизча бу сал-

Мушоҳада учун мавзу

бий ҳолатни ҳам тезда ўзлаштириб, эртасига ўзининг тенгдошларига нисбатан кўлайди. Шу боис ҳам руҳшунслар боланинг онгини бежиз оппоқ қоғозга менгашмайди.

Агар она гийбатчи бўлиб, қариндош-уруғ, кўни-қўшнилари ҳеч бирини яқини демаса, ҳаммаша уларнинг айбини қидиришга уринса, унинг ёнида вояга етаётган киз ҳам бора-бора атрофдагилар ҳақида шундай хулосага келади ва ўзи билиб-билмай бошқалардан айб қидира бошлайди. Аксинча, она бошқаларнинг яқини тарафини бўрттириб

ҳам кўра кўпроқ кизлар бунчалик катта синовлардан ўтиб, келинликка танланган?

Юқорида таъкидлаганимиздек, келин бўлиши киз шу авлоднинг фарзандларига она бўлиши керак. Ўз насл-насабининг келгусида ҳар томонлама тоза бўлмоғини ўйлаган ота-оналар жуда катта жавобгарлик ҳисси билан келин танлашган.

АЯСИМАС,
ЯНГАСИ
МАҚТАГАННИ ОЛ!

Доно халқимиз киз танлашда юқоридаги ақидага амал қилишга одатланган. Қизини

бия топган, зукко ва зийрак бўлса, янғасининг меҳрини қозонади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз киз болага баҳо беришда янгаларнинг таърифи-га суянишган.

ТАҚДИР ҲУКМИ

Ҳали ўғли ёш бўлса-да, "Қандай қизни келин қиларканман?" деб ўйламаган она топилмаса керак. Кексалар бу борада шундай дейдилар: "Тўқсон эшикни тақиллатсанг ҳам, тақдирга битилгани бир кун пешонасидан чиқади".

Шу ўринда беҳтиёр қайнонам — раҳматли Ҳабиба онанинг ўғитлари эсимга тушади. У киши ҳали ёшига етмаган ўғлини бешикка белаётган шундай деган эдилар: "Қизим, Оллоҳдан ўғлингизнинг камолини, бахту иқболини сўранг. Онанинг тилаги ижобат бўлади. Мана шу боламга тилаган яқини тилақларингизни унинг учун жуфт қилиб яратилган қизга ҳам сўрайверинг. Чунки Оллоҳ ҳар бир жонни жуфти билан яратади. Ўша киз туғилмаган бўлса, дуоларингиз туфайли бир покиза хонадонда дунёга келади, туғилган бўлса, дуоларингиз билан инсофли бўлиб вояга етади. Ажабмас, яқини ниятларингиз туфайли бир кун келиб ўша келин хонадонингизни нурга тўлдирсан..." Орадан йиллар ўтгач, ойижонимизнинг бу гапларидаги ҳикматни тушуниб етдим.

Шунингдек, кўпни кўрган қайвони онахонлар киз танлашда қуйидаги маслаҳатларни беришади:

* Эмишки, ота-онасининг уйида унчалик иш қилмайдиган киз, келин бўлган, жуда ҳаракатчан бўлиб етармиш. "Онасининг уйида ётоқ бўлган киз, қайнонасиникида отдай ҳаракатчан бўлади", деб таъриф беришади бундай қизларга.

* "Янғалик қизни олсанг, кам бўлмайсан", дейишади яна. Бу дегани, уйда келиннинг тутумларини кўрган киз агар зийрак бўлса, унинг хато ва камчиликларидан ўзига керакли хулоса чиқариб олади ва қайнонасиникида буларни тақрорламасликка интилади.

Азизлар, сўзимизни ақунларканимиз, келинликка танлаган қизнингизнинг қадами кутлуг келиб, хонадонингиз нурга тўлсин, деб ният қилиб қоламиз.

Ҳамроҳон МУСУРМОҲОВА

КЕЛИН ТАНЛАШ
СИРЛАРИ

кўрсатса, одамларнинг яқини-ёмон тарафларини холис баҳолай олса, бу хонадонда ўсан киз ҳам онаси каби зукко бўлиб вояга етади.

Шу сабаб ҳам, узатиладиган қизи бор хонадонларнинг эшигини тақиллатишдан аввал унинг онаси ҳақида кўпроқ сўраб-суриштирилади. Агар она хушфелъ, атрофдагилар билан хушмуомала, пазанда, маҳалла-қўйнинг корига ярайдиган аёл ҳамда оилада саранжом-саришта бека бўлса, бундай инсоннинг қизини келин қилишга қизиқувчилар кўп бўлади.

Тагли-тахтли йигитлар қизнинг саводи қай даражада эканини, унинг мусиқага, шеърятга, ҳатто ҳисоб-китобга бўлган лаёқатини ҳам суриштирган. Шу билан бирга қизнинг оға-иниларининг ахлоқи ҳам ўзига хос синовдан ўтказилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, нега йигитлардан

бошқаларга кўз-кўзлаб, ҳар бир ишнинг мақтаб гапиришга одатланган оналар орамизда учраб туради. Нега энди онаси мақтаган қизни олмаслик керак? Чунки оқила она ўз қизини бозорга солишдан андиша қилади ва айнан мана шу андиша ҳам аёлларнинг энг яқини фазилатларидан бири ҳисобланади. Яқини қизни атрофдагилар — маҳалла-кўй, қариндош-уруғ мақтайди. Қизни хушмуомала қилиб тарбиялаган она эса жим турганча, хурмат топади.

Аслида қайси она ўз фарзандини ёмон дейди? Ҳар бир онанинг ўз қизига меҳри бўлакча бўлиши табиий. Агар бу меҳр ҳаддан зиёд бўлса-чи? Унда бу нарса яқинликка олиб келмайди. Ҳатто киз узатилгандан кейин ҳам она қизининг юзига термилиб туради. Агар уни куёв тарафдан кимдир хафа қилган термиб сезиб қолса борми, дарҳол қудасининг уйига ошиққади ва арзимаган тушунмовчилик жанжалга айланади. Одатда, қизини ёшлигидан ҳаммага мақтаб юрган оналар кейинчалик ўзлари билмаган ҳолда унинг бахтига тўғаноқ бўлиб қолишади.

Маълумки, оиладаги келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан яна бири қайинсингил билан келин ўртасида кечади. Агар киз яқини тар-

ТОВУҚ ГЎШТИ

В12 меъёри: 2-3 мг. 450 грамм товуқ гўштида шунча миқдорда В12 витамини мавжуд.

Мумкин эмас: В12нинг меъёри 300 мг.дан ошиб кетиши эса ўпка шиши, юрак фаолиятининг сустлашиши, тромбоз, аллергия касалликларига олиб келиши мумкин.



ТУХУМ

А меъёри: 900-1500 мг. 10 дона тухумда шунча миқдорда А витамини мавжуд.

Мумкин эмас: Витамин Анинг истеъмол меъёри 900 мг.дан ошиб кетиши одамнинг шиши кетишига, соч тўкилишига, жигар, ошқозон ости хасталикларига олиб келади.

СУТ

Д меъёри: 2,5-12,5 мг. 4 стакан сутда шунча миқдорда Д витамини бўлади.

МЕЪЁРИДА ИСТЕЪМОЛ
ҚИЛГАН МАЪҚУЛ

Организмда витаминлар етишмаслигидан турли касалликлар келиб чиқини деярли ҳаммамиз жуда яқини биламиз. Лекин мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан ана шундай дармон дориларнинг меъёридан ортқ бўлиши ҳам аслида зарарли экан.

Витаминларнинг қайси маҳсулотларда қанча миқдорда бўлиши, шунингдек, истеъмолнинг меъёрдан ортиб кетиши қандай оқибатларга олиб келишини билишни истайсизми? Сиз унда қуйидаги маълумотлар билан танишсангиз фойдадан холи бўлмайди.

Мумкин эмас: Витамин Днинг меъёри 1250 мг.дан ошиб кетганда кальций тузлари суякда эмас, ички орган тўқималарида йиғилади.



ЕРЁНФОҚ

Е меъёри: 20-26,7 мг. 60 грамм ернфоқда шунча миқдорда Е витамини бўлади.

Мумкин эмас: 20 000 мг.дан ошиб кетиши бош оғриғи, диарея, спазма,

иммун тизимининг бузилиши, никотин моддаси билан реакцияга киришганда эса инсулытга олиб келиши ҳам мумкин.

БОДРИНГ

К меъёри: 50-100 мг. 330 грамм бодрингда шунча миқдорда К витамини мавжуд.

Мумкин эмас: 800 мг.дан ошиб кетиши юзнинг



Соғлигимиз — бойлигимиз

қизариши, терлаш, қон қуюлишининг қучайишига олиб келади.

БАНАН

В6 меъёри: 1,5 - 2,8 мг. 900 грамм бананда шунча миқдорда В6 витамини бўлади.



Мумкин эмас: 80 мг.дан ошиб кетиши аллергия, қўл-оёқлар титраши, организмда сезувчанлик қобилиятининг сустлашишига олиб келиши мумкин.

ГРЕЧИХА

В1 меъёри: 1-1,5 мг. 200 грамм гречиҳада шунча миқдорда В1 витамини мавжуд.

Мумкин эмас: 100 мг.дан ошиб кетиши аллергия, қўл-оёқ титраши, ҳарорат кўтарилиши, спазма, нафас қисқишига сабаб бўлиши мумкин.



Гулмира Жалилова тайёрлади.



ТАҚИҚЛАНГАН ШАҲАР

Тақиқланган шаҳар Хитойда жойлашган бўлиб, унинг майдони 720000 кв. метрни ташкил қилади. Агар бу шаҳарнинг кенглигини таққослайдиган бўлсак, маълумот учун шуну айтиш мумкинки, Истамбулдаги Тўпкопи саройи 700000 кв.м, Ватикан шаҳри 440000 кв.м ёки Москванинг Кремль саройи 275000 кв.метр майдонга эга.

Тақиқланган шаҳардаги саройнинг асосий қисми 1407-1420 йилларда, қарийб 14 йил давомида қурилган. Ушбу улкан қурилиш ишларига 200000 ишчи кучи жалб этилган. Қурилиш ашёлари Хитойнинг минглаб километр олисдаги турли худудларидан келтирилган. Сарой VI-VII асрлардаги меъморий ансамбллар тармоғини давом эттирган ҳолда, ўзига хос услубда қад кўтарган.

Бинонинг барча қисми бўялган ёғочлардан тикланган. Ёнғин эҳтимоли инобатга олиниб, саройнинг ҳар бир бурчагида улкан бронза қозонлари жойлаштирилган ва доим сув билан тўлдириб турилган.

XVIII аср охиридаги тақиқланган шаҳарда 9000 га яқин одам яшаган. Шаҳар аҳолиси кўриқчилар, хизматкорлар, жориялар, харам огалари, турли муҳим вазифадаги фуқаролар ва қирол оиласининг махсус хизматкорларидан иборат бўлган.

Шаҳардаги ибодатхонанинг ичкари залига аёлларнинг кириши қатъиян ман этилган. Фақат император оиласига мансуб аёллар бу жойга ниҳоятда ўтаётган чоғларида бир мартагина кириш ҳуқуқига эга бўлишган.

Императорлар бир неча хотинга уйланиш ва кўплаб жориялар олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Жориялар ҳам яхши таълим-тарбия кўрган, мамлакатдаги энг намунали оилалардан танлаб олинган. Тақиқланган саройдаги жориялар насл-насабига қараб обрўга эга бўлишиб, шунга яраша турли ранглардаги идишларда овқатланишган. Император ва унинг аёли эса олтин ёки нур таратувчи сариқ чиннидан ишланган идишларда таом тановвул қилишган.

Тақиқланган шаҳар саройи деярли ўз ҳолича сақлаб қолинган ва бугунги кунда 50000 та картиналар коллекциясига эга улкан музейга айлан-тирилган. Бу картиналарнинг 400 дан зиёди Юань (1271-1368 й.) сулоласига тегишли бўлиб, Хитойдаги энг катта картиналар коллекцияси ҳисобланади. Уларнинг айримлари Хитой тарихини акс эттирувчи жудаюм ноёб ва қимматбаҳо санъат дурдоналаридир.

Музейда Шан сулоласига (эр.ав. 1766 й.) тегишли бронзадан ишланган қадимий буюмлар ҳам сақланади. Сарой-музейнинг қимматли экспонатлари 1933 йилдаги япон уруши вақтида яшириб қўйилган. Кейинчалик бирорта ҳам жиҳоз йўқотилмаган ҳолда яна ушбу музейга қайтарилган. Саройда сопол ва чиннидан ясалган 340000 та идиш сақланади. Шунингдек, ушбу музей XVII-XIX асрларда ишлаб чиқарилган механик соатларнинг мингдан ортиқ коллекциясига эга. Биринчи механик соат 1601 йилда таниқли кохин томонидан императорга совға қилинган.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

ХОРИЖГА КЕТИБ БАХТИМДАН АЙРИЛДИМ

Уэр, мен сизларга чуккур таассуф билан мактуб йўллаяпман. Ёшим 36 да. Оилада катта фарзандман. Яна икки синглим бор. Отам ноғирон бўлиб қолгач, онамнинг бир ўзи оиламизни боқиб қўйналди. Мен касб-хунар коллежини тамомлагач, тикувчилик цехига ишга кирдим. Хартугул рўзгоримизга бироз бўлса-да, фойдам тега бошлади. Холаларимдан бири анчадан бери хорижда ишларди. Бир куни уйимизга телефон қилиб, қоп-қоп ваъдаларни бериб мениям ёнига чақирди. Онам бечоранинг "Унга ишонма, қиз боласан ахир, маҳалла-қўй нима дейди?", деганларига-ям қарамай, қарз-қавола қилиб йўлга отландим.

У ёққа борганимдан кейин холам мени кичикроқ бир ошхонага идиш-товоқ ювадиган ишга жойлаштирди. Кунни бўйи тик оёқда, қўлим сувдан чиқмасди. Топган пулим ижара ҳақидан бирозгина ортарди, холос. Кейин яна қўшимча юмуш билан шуғулландим. Минг азоб билан топган пулларимни йиғиб, охири икки йил деганда қайтиб келдим. Кўп ўтмай, ортидан айрим гийбатчи аёллар гап тарқатишди. Ушангача, маҳалламизда ашайдиган бир йиғит совчи кўйган ва бизнинг оғир шароитимизни тушунгани учун холамнинг ёнига кетишига кўнган эди. Минг афсуски, четга бориб келганим менга оғир тамга бўлиб, у ҳам уйланиш фикридан қайтди.

Ота-онам ҳам бу гап-сўзларни эшитиб, роса эзилди. Хуллас, элининг озгига элак тутиб бўлмас экан. Пул топаман деб, бахтимни ҳам бой бериб кўйганимни энди англаяпман. Сингилларим аввалига менинг кўнглимга қараб, келган совчиларни қайтаришди. Лекин мен уларни кўндириб, турмушга узатдим. Ҳозир иккалеси ҳам оилали, фарзандли бўлиб кетишди. Мен эса уйда тикувчилик қиляпман. Тиккан кийимларим миждоғларимга маъқул бўляпти. Келажакда хусусий тикувчилик цехи очиб ниятдаман.

Менга ишонадиган, қалбимга қулоқ соладиган инсон топиламан, деган

нийатда сизларга мактуб йўллаяпман. Ёши 40-45 ларда бўлган (иложи бўлса Фаргона вилоятидан) диёнатли, инсофли инсон топилишига умид қиламан.

БАХТИНИСО,
Фаргона вилояти.

ОҒЗИМ ОШГА ЕТГАНДА...

Аёлим Гулшоданинг қазо қилганига ҳам роппа-роса ўн йил бўлди. У жудаям меҳрибон, очикқўнғил, дилкаш аёл эди. Ота-онам ҳам уни бошқа қизлари-

доимо ҳолимдан хабар олиб туришадди. Ёшим 62 да. Миллатим қозоқ. Маълумотим олий. Пенсияга чиққан бўлсам-да, тетик ва бардамман, ишлайман. Уй-жойим бор. 55 ёшгача бўлган, Қўнғиротга келиб яшашга рози бўладиган, фарзандлар ташвишидан қутулган ёки бечоранд, оққўнғил, иймонли аёл учраса, хабар берсангизлар.


ЖАҚСИЛИК ака,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ТҮЙИМНИ БУВИМ КҮРСАЙДИ...

Ёшим 37 да. Уйланмаганман. Тўғриси, кўпчилик шу ёшгача бўйдоқ юрганимга хайрон бўлишади. Асли Хоразм вилоятиданман. Ота-онам болалик пайтимда вафот этишган. Тошкентда яшовчи бувимнинг қўлларига катта бўлганман. Ёлғизгина хола-жоним бор. Жуда меҳрибон, ўз фарзандларидек кўриб, мендан доим хабар олиб туради. Қўлидан келганича ёрдам беради. Бувим 90 ёшдан ошди. Доим қўлларини дуога очиб, «Илоҳим, сенинг бахтингни кўриш насиб қилсин-да», дейдилар. Лекин нима қилай, тақдир экан.

Маълумотим ўрта. Устачилик, дурадгорлик қиламан, уй-жойим бор. Шу хунарларим ортидан кам бўлаётганим йўқ. Рус тилини мукамал биланман. Бадий китобларни кўп мутуола қиламан. Ҳинд фильмларини томоша қилишни, муסיқа тинглашни ёқтираман. Мен излаётган қиз 35 ёшгача бўлган (қарерда яшати, миллати, турмуш қурган-қурмаганлигидан қатъи назар) кўнгли очик, самимий бўлишни хоҳлайман. Насиб этса, менга муносиб номзод топилса, имконим етгунича тўйимизни кичикроқ даврада, энг экин инсонлар иштирокида ўтказмоқчиман.

ЖАҲОНГИР,
Тошкент шаҳри.



дан зиёд кўришарди. Бизга ҳамманинг ҳаваси келарди. Уч нафар фарзандимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик. Ҳаммасининг тўй-томошаларини ўтказиб, уйли-жойли қилдик. Мана, энди озғимиз ошга етиб, ҳузур-ҳаловатда яшаймиз деганимизда, Гулшода оғир хасталикка чалиниб, дунёдан ўтиб қолди.

Очиги, нурунийларнинг кўша қаринглар, деган дуоларида ҳикмат кўп экан. Айни пайтда кенжа ўғлим билан бирга яшайпман. Бошқа болаларим ҳам менга жуда меҳрибон, барака топишсин,

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Билиб қўйган яхши

ГУЛЛАР КҮНГИЛ МАЛҲАМИ

Ташқарида қаҳратон қиш болсанган бўлса-да, уйимизга баҳор нафасини бериб турган хона гулларини қанчалик эътибор билан парвариласак, бизга шунчалик кўтаринки кайфият улашиб туради. Шундай экан, уй гуллари нафақат хона хавосини тозалашда, балки, инсонни соғломлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Фақат уларни тўғри жойлаштирсак кифоя. Қуйидаги тавсияларимиз эса, айнан тувакдаги гулларни парвариллаш хусусида.

■ Аввало, гул парвартиришда ҳам гигиена муҳим аҳамият касб этади. Бунда хона гулларининг сарғайган барглари тез-тез териб олиб ташлаш лозим. Акс ҳолда, бу барглар тувакда қоладиган бўлса, чирши натижасида хонада ноҳуш ҳид пайдо бўлиши мумкин.

■ Гул ўстиришнинг энг муҳим шарт шукки, уларни севиш лозим. Улар билан ҳатто "сухбатлашиш" ҳам мумкин. Гул парвариши киши кўнглини юмшатади, ҳар қандай феъли дағал одамни ҳам мулоийм қилади, уни назоратли инсонга айлантиради.

■ Уй гуллари соғлом бўлишини истасангиз, гулларга қўйиладиган сувни аввалдан тиндириб олинг. Тиндирилётган сувга бир-икки дона мих ташлаб қўйсангиз, гуллардаги темир танқислигининг олдини олади.

■ Сув гулларнинг озиклантирувчи ўғит вазифасини бажариши ҳам мумкин. Бунинг учун бир неча кун сувга тухум пўчғонини солиб қўйинг.

■ Имкон қадар гулларнинг ҳар бир турини алоҳида жойлаштириш лозим. Шунда гуллар яйраб ўсишади. Гуллар яхши нафас олишини истасангиз, баргларининг чангини тез-тез артиб туринг.

■ Хонаки гуллар нафис ҳид таратишини хоҳласангиз, уларни озроқ шакар қўшилган сув билан озиклантириш лозим.

■ Тухум қайнатилган, гуруч чайилган сув, қахва ёки чой қолдиғи — буларнинг барчаси гуллар парвариши учун асқотади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

■ Дўкон расталарида сотиладиган сметаналарнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий эмаслигини биласизми? Буни аниқлаш учун бир ош қошиқ сметанани бир стакан қайноқ сувга аралаштиринг. Бундай ҳолатда асл сметана тўлиғича эриб кетади, қалбақиси эса сув тагига чўкади.

■ Тухумнинг истеъмолга яроқчилигини билиш учун уни 1 литр тузали сувга солинг. Агар тухум сув тубига чўкса, у аинмаган, сув юзига қалқиб чиқса, аининган, ўртада сузиб турса, истеъмол қилиш муддати ўртача ҳисобланади.

■ Ёрилган лабларни тузатиш ёки ёрилишнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсиямизга амал қилинг. Тиш чўткангизни қайноқ сувга намлаб сўнгра унга озроқ вазелин суртиб, лабларингизга ишқаланг.

■ Ичимлик содасини совуқ сувга солиб қуюқроқ эритма тайёрлаб олинг. Ушбу суяқлик билан дувовка патнисини тез ва энгил тозалашингиз мумкин.

■ Ловия ва нўхат таркибида оқсил ҳамда В гуруҳидаги дармондорилар ниҳоятда сероб ҳисобланади. Озишни хоҳловчи, аммо витаминлардан узоқлашшини истайдиганлар ушбу маҳсулотлардан ҳар куни 4 ош қошиқдан истеъмол қилишлари мумкин.

■ Гармдорини хуш кўриб истеъмол қилувчиларга маслаҳатимиз шукки, бу зирворини меъдранд зиёд истеъмол қилиш жуда зарарли ҳисобланади. У лоқайдлик, хафсаласизлик ва депрессияни келтириб чиқариши мумкинлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

■ Ёғли идишларни ювишда қуруқ хантал яхши ёрдам беради.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ВИЖДОН НИҚОБИ — ҲАЁ

Яратган Эгам ҳеч бир бандани заифсини хусну жамол, латофату тароватдан бенасиб этмаган. Аммо ён-веримизга боқсак, ёш, эндигина балогат ёшига етган қизларимизнинг кўрса кўз қувнагулик хусну жамолларига гўё доғдай бўлиб кўринувчи, ёнокларининг суфрасида солланиб ётувчи турли ранглар "жилоси" назаримизда тобора кўпайиб бораётганга ўхшайди. Ёки бўлмас, "мехр" ила эгнимизга илиб олган, бутун кўрку тароватимизни ошкора этаётган — енгдан жудо бўлган, белга тегмайдиган, тиззадан пастга тушмайдиган либослар асл, ботиний хуснимизга хира парда тартаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Шу алфозда кийинувчи қизлар яшайдиган хонадондан, оиладан барака, файз кўтарилмайдиги деб ким айта олади? Бизнинг бундай кўринишимиз қайсидир орийатли, имонли инсонларни уялтирса, бизга тикилганча шайтоний гу-



ноҳни орқалаётган инсонлар ҳам кам эмас-ку! Эртага "Шу қизнинг ҳаёю ибосига ҳавасим келади, айниқса, ўқимшли, боодоблиги кишини ҳайратга солдиди-я" дейишлари кўнгилни шод айласа яхши эмасми?

Яқинда метрода кўрганам бир манзара мени ҳайратга солди. Ниҳоятда тор шим, шунга мос жудая тор либос кийиб олган бир қиз (чамаси, 16-17 ёшлар атрофида) рўпарамдаги ўриндиққа келиб ўтирди. Зимдан назар солдим. Ҳали болалик нафаси кетиб улгурмаган ёнокларига ҳозирда рекламалари тинмай айланаётган бўёқлардан суртиб олган, қабоқларида ҳам шунга яраша бўёқ топилади. Баъзи ўсмирларнинг таъбирича, бунинг "Жульетта"си олдимда турарди. Шундай пайтларда маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг куйидаги сўзлари ёдимга тушади: "Ифратнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёидир... Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг ифбат пардаси йиртилмас". Ҳаёла қолсан киши. Эртага мана шундай навниҳол, ўзини "модний" деб билувчи қизларимиздан

Мулоҳаза

қандай ворислар дунёга келаркин? Ахир, соғлом вужудни яратиш, уни юрт қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаш бугун биз билан ёнма-ён яшаётган "замонавий" қизлар қўлида эмасми? Ҳадиси шарифда ҳам "Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради" дея таъкидланганини ёддан чиқармаслик керак.

Барча, авваломбор, ёшлар замонни рўқач қилишди. Очик-сочик кийинган қизларга салгина гапирилса, ҳатто катта ёшлар ҳам "Кўйсанг-чи, замон ўзи шу-ку" дейишди. Бундай ахволга қуясиэми ёки қуласиэми? Йўқ, замондан кўра инсон кўпроқ ўзгаради. Бу муҳитни ўзгартириш, унга "шакл-шамойил" бериш эса бизнинг қўлимизда. Ҳаёла кўриلسа ҳеч бир нарса ўзгаргани йўқ. Шу осмон, шу ер, шу замон бари — ўша-ўша. Не бўлганда ҳам бизнинг қон-қонимизда, кўксимиз ичра ҳаётдан нишона бераётган орагимизда Шарқ аёли деб аталмиш улуг ном бор. Фарбнинг маданияти ва услуби ўз йўлига. Керак бўлса, фарбликлар бизнинг аёлларимизнинг ҳикмати, иззат ардоғи, улуғлишини ва эътирофи сирини ўйлаб топсинлар, ўзлаштинлар. Чунки бизда меҳр, оташин севги, гайрату шижоат, қомиллик ва гуруҳ ҳам етарли.

Чарос НИЗОМИДИНОВА,
ЎЗМУ талабаси.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида қўл жанги бўйича ўтказилган халқаро турнир ниҳоятга етди.

Ўзбекистон Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўл жанги федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Россия, Украина, Озарбойжон, Қозғистондан 200 нафарга яқин ҳаваскор ва профессионал спортчи куч синашди.

Турнирнинг профессионал қўл жанги усталари ўртасида ўтказилган рейтинг жанглирида Бобур Раҳматов озарбойжонлик Эътиқод Атакишевни, Музаффар Ражабов украинлик Руслан Нажафалиевни мағлубиятга учратди. Шунингдек, пойтахтлик Шоҳрух Рўзиев, Шамсиддин Йўлдошев, Хусан Баратов ва самарқандлик Маҳмуд Тўраев рақиблари устидан галаба қозонди.

Ўзбекистон чемпионлиги камари учун баҳсларда пойтахтлик спортчилар — Рустам Маъдиев Жамшид Бекматовни, Мусо Маматов Жаҳонгир Абдувоҳидовни, қашқадарёлик Бобур Курбонов бухоролик Жамол Омоновни, пойтахтлик Жаҳонгир Мансуров навойлик Шерали Абдураимовни енгди, чемпион бўлди.

Ҳаваскорлар ўртасидаги беллашувларда пойтахтлик Сирожиддин Садриддинов, қашқадарёлик Алпомиш Курбонназаров, Рамазон Темиров, Абдуазиз Анваров, фарғоналик Элмурод Йигиталиев, Ўзбекистон Жамолдинов ва Нодир Исроилов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

БИН ҲАММАМ ЯНА ЧЕТЛАТИЛДИ

Осиё футбол Конфедерацияси сокиб раҳбари Мухаммад бин Ҳаммам яна бир марта барча футбол билан боғлиқ фаолиятлардан четлатилди. Бу ҳақда ФИФА матбуот хизмати маълум қилди.

Хабарингиз бор, қатарлик ушбу сокиб мансабдор Лозаннадаги Спорт арбитраж судида ўзини оқлабанди, аммо ФИФА унинг бошқа кирдиқорларини фойш қилди.

Эслашиб ўтамиз, бин Ҳаммам ва ФИФА вице-президенти Жек Уорнерлар пора беришда айбланишганди.

БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Кеча Халқаро бокс ассоциацияси (WBA) томонидан Москва шаҳридаги («Крус Сити Холл» аренасида ташкил этилган чемпионлик жанги бўлиб ўтди.

Унда Россиялик Денис Лебедев ва колумбиялик Сантандер Сильгадо ўзаро кураш олиб борди. Тўртинчи раундда Денис рақибини мағлубиятга учратди ва чемпионлик камарини ҳимоя қилди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ОНА КЎНГЛИ БОЛАДА

...Бекатнинг у бошидан бу бошига тинимсиз юраётган бўлсам-да, қизнинг ачиқ соғувидан танам титрашдан ўтхатмасди. Аксига олиб, одатдагидек, бугун ҳам, ярим соатдан ошяптики, "тезюар" автобусдан дарак йўқ. Азбаройи совуқ қотганимдан йиғлаб юборай даяпман. Шу пайт... ишонасиэми, кўнглимдан маҳзунгина бир ўй ўтди: "Онажонимнинг ёнларида бўлсаму, оёқларига бошимни қўйиб ётсам. Ажин оралаган юзларига кўзларимни суртиб, дунёнинг бор ташвишларини унутсам"...

Онамни соғиняпману, беихтиёр бир воқеа эсимга тушди.

...Ўша кунлари туғруқхонада эдим. Уч кунгина аввал қизим дунёга келган эди. Эрталаб азон маҳали экан, ҳамшира мени секин туртиб уйготди-да, "Сизни сўраб келишибди" деди. Чиксам, йўлак бошида мунис онагинам турибдилар. Қўлларидида идишда қайноқча қайнатма шўрва. "Болажоним, манавини совутмасдан ичиб ол, қувват бўлади" дедилар маҳкам кучиб. Кейин соғлигим ва чақалоқни қайта-қайта сўрадилар. Шу лаҳзада онам ёнимда-ю, лекин менинг бутун ҳаёлим пишиллаб ухлаб ётган гўдагимда. Йиғлаб қолмадимкин, дея онамнинг саволларига шоша-пиша жавоб бериб,

чала-ярим хайрлашганча, палатамга югурдим...

Илларишда шамолдай ўтишини қарангки, шу воқеага ҳам саккиз йил бўлибди. Энди ўзимни қойийман, нега оромидан кечиб, саҳармардонда шаҳарнинг у чеккасида юрагини ҳовучлаб келган меҳрибонимга шу кунги бир оғизгина раҳмат ҳам айтолмадим? Ишқилиб, бошимизга омон бўлсинлар, ҳозир ҳам қизларимнинг салгина иссиғи чекиб қолса, дўхтирдан аввал онамга кўнғироқ қиламан. Телефонда роса йўл-йўриқлар кўрсатгач, кўнгли тинчимайди шекилли, пешиндан сўнг уйимизга тўлиб-тошиб келиб қоладилар...

Бекатда автобус қутаётган одамлар кўпая бошлади. Ҳамма совуқдан безор бўлиб, тинмай у ёқдан-бу ёққа ҳаракатланарди. Атрофни кузатарканман, энди бир хаёлим қизимга кетди. Синф хонаси иссиқмикан, эрталаб нима кийиб кетганди-я, ҳадеб эслашга уринаман. Эсиз, автобус ҳам кела қолмаяпти.

Шу пайт телефоним жиринглаб қолди. Онажоним: "Қизим, қалин этингини кийдингми? Ташқари жуда совуқ, эҳтиёт бўл!"...

Барно МИРЗААХМЕДОВА

"ДЕРАЗАЛАР ҚОЛСИН" ЭМИШ...

Кўзингиз тушгандир, бир неча ойдан бери телеканалларда, газета-журнал ёки кўча-кўйлардаги баланд афиша-панноларда халқимизнинг иши махшур актёри Эркин Комилов ва Ражаб Адашевлар "AKFA" дераза-ромларини тинмай реклама қилишдан чарчашмапти. "Пул бўлса чангалда шўрва" деганлари, хонанда ва кўшиқчиларга инсталган нарсани реклама қилинг, дейишса, уларга фарқи йўқ — така бўлсаму сут берса бўлди. Касодга учраган тиббиёт, ўқув марказлари ёки бирор дўконими, ёки дорихоналарда йиғилиб қолган ўтмас дори-дармонларини, колбаса ёхуд гўштими, чалакам-чатти тайёрланган матини обкелинг, боллаб тарғиб қилишди, шовволар. Буни бекорга бозор иқтисоди замони демайдилар. Лекин...

Шаҳсан мен ана шу "Аква"чиларнинг беўхшов рекламасини кўриб эмсам қотди десам, кимгадир менинг фикрларим ёқмаслиги аниқ. Бирок, барака топгурлар, биз маъна-



вияти бутун халқмиз, не-не алломаларимиздан қолган бебаҳо меросдан бутун дунё аҳли неча асрларки, бахраманд бўлиб келаётир, деб мақтанишни биламиз, арзимган бир матоҳни кечяю-кундуз мақташдан наҳот уялмасак?

Ҳар нарсанинг ҳам чек-чегараси бор-ку, ахир. Сифатли, бозорбоп ва ҳамма-боп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ишбилармон ва тадбиркорларнинг отасига минг раҳмат! Аммо қош қўяман, деб кўз чиқармаслик керак-ку.

Мен айнан истиқлол йилларида чоп этилган маънавий жиҳатдан катта аҳамиётга эга бўлган китобларни ёхуд дунё киносаноати кўрик-танловларида эътироф этилаётган фильмларимизни, бетакор ўзбек санъати намуналарини ҳар қанча тарғиб этсак, шунча кам эканлигини таъкидламоқчиман. Биздан келгуси авлодларга "AKFA" ёки бошқа ҳар хил ўткинчи матоҳлар эмас, аксинча, ана шундай маънавий кадр-қимматга бой нодир мерослар қолса яхши эмасми?


Моҳинур ҚОДИРОВА

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари маъмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топширилш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нилуфар САПАЕВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темир кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6173. Баҳоси келишидан нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

123 5